Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!
XXI asr
O'ZLIDEP
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
21-aprel 2022-yil 16 (962) www.21asr.uz @XXIasrofficial

# O'zLiDeP ва ХКП

## ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ







**Ўзбекистон дунёнинг йирик мамлакатлари билан муносабатларини стратегик шериклик даражасида фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик ҳам прагматик, ўзаро манфаатли асосда, мамлакатимиз ташқи сиёсати ва иқтисодий фаолиятининг барча омиллари ва устуворликлари мажмуи эътиборга олинган ҳолда давом эттирилмоқда.**

3 с.



## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИДАН КЎНГИЛ ТЎЛЯПТИМИ?

**ЎзА нинг хабар беришича, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 апрель куни маҳаллабай ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг дастлабки натижалари кўриб чиқилди.**

Қайд этилганидек, улар уч ой давомида **6** миллион **900** минг хонадонни хатловдан ўтказиб, **4** та тоифага ажратган. Хонадонларнинг **11** фоизи кам даромадли, **47** фоизи қўшимча даромадга эҳтиёжи бор, **6** фоизи ижтимоий ҳимояга муҳтож, **36** фоизи ўзига тўқ оилалар экани аниқланган.

Шу уч ойда ҳоким ёрдамчиларининг ташаббуси билан **50** мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун **1** триллион **300** миллиард сўм кредит ва **20** миллиард сўм субсидия ажратилган. Натижада жойларда **47** мингта янги тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилган, **8** мингта кичик саноат ва сервис лойиҳалари ишга туширилган.

Давлатимиз раҳбари энг яхши натижа кўрсатган ҳоким ёрдамчиларини мукофотлашга кўрсатма берди.

Лекин ҳали натижа сезилмаётган маҳаллалар кўп. Мисол учун, **450** та маҳаллада ишсизлик даражаси **20** фоиздан юқори.

– Ҳали **40** фоиз маҳаллада ҳоким ёрдамчиларининг ишида натижа кўрингани йўқ. Мисол учун, **450** та маҳаллада ишсизлик даражаси **20** фоиздан юқори. Бундай маҳаллалар сони Тошкент вилоятида – **59** та, Фарғонада – **52** та, Андижонда – **45** тани ташкил этиб, қолган ҳудудлардан кўп, – деди Президент.



## ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ ҲАРАКАТДА:

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСИЙ "ДРАЙВЕР"ГА АЙЛАНАДИ

2 с.



## ҲАЁТ ТАРОЗИСИ

## ЁХУД ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МОҲИЯТИНИ ҚАЧОН АНГЛАЙМИЗ?

4 с.



## МУАММОНГ НЕ, ТАДБИРКОР?

4 с.



## ЗАРАРНИ ИСБОТЛАШ КЕРАК

5 с.



## ТЕМИРМИ, ТЕМУРМИ Ё ТИМУР?

6 с.

www.21asr.uz
@XXIasrofficial
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
21-aprel 2022-yil 16 (962)

# МАЖБУРИЙ АУДИТОРЛИК

## МАЗКУР ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАШКИЛОТЛАР РЎЙХАТИ БЕЛГИЛАНМОҚДА



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.**



– Ушбу қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад – “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлар нормаларини кейинги йилларда қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш ва тизимлаштиришдан иборат, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Тоҳир Аҳмадалиев.** – Мазкур ҳужжат билан “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 46-моддасидан мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказиш мезонини белгилаш нуқтаи назаридан нормани чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда. Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиладиган ташкилотларнинг рўйхати эса “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги асосий қонун билан белгиланади.

Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар охирги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган меъерларни ҳисобга олган ҳолда, аудиторлик фаолиятини норматив ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имконини беради.

Йиғилишда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш бўйича муҳим таклифлар ўртага ташланди. Қолаверса, кўтарилган саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олиниб, ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан маъқулланди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан партия фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
**“XXI asr” мухбири**

---

# ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ ҲАРАКАТДА:

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСИЙ “ДРАЙВЕР”ГА АЙЛАНАДИ

**Чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларга оқилона ечим топиш соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жадал тадбиқ этиш ишларининг сифати, тўплаш-саралаш-қайта ишлаш тизимининг нечоғли автоматлаштирилганига бориб тақалади.**



**Вақтчалик тўхтовсиз жараён бўлмаса керак. Ортга қайтариш имконсиз ушбу ҳодисани. Истасак-истамасак соат миллари тинимсиз айланаверади. Юрак уриши сингари сониялар дақиқаларнинг, суткаларнинг ўтмиш таркибига ўтишига ҳаракат қилаверади. Балки шунинг учун ҳаёт ҳаракатдан иборат, дегандир аввалги донишмандлар.**

Мана, орзу-умидлар билан қадам қўйганимиз жорий йилнинг 111 куни тарих саҳифасига кириб улгурди. Бу эса дастлабки сарҳисоб палласи келганига, ғалвирни секин тортиб кўрадиган пайтлигига ишора. Модомики, биз ҳам журналистик ёндашув орқали олинган натижаларни таҳлил қилишда давом этамиз.

Зукко ўқувчиларга аён бўлганидек, газетанинг ҳар бир сонида “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури”да белгиланган вазифаларни бажариш бўйича O‘zLiDeP томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳларининг фаолиятини ёритиб бораяпмиз. Жумладан, ўтган сонда ўнинчи мақсаднинг мазмун-моҳияти, бунда партия депутатлик корпуси амалга ошираётган юмушлар очиб берилганди.

Бугун эса “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш” йўналишида қилинаётган ишлар устидан жамоатчилик назорати қай даражада йўлга қўйилаётгани тўғрисида аниқ бир мисол доирасида фикр юритамиз.





### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – РАҚАМЛИ ВА АХБОРОТ ЖАМИЯТИГА ЭГА МАМЛАКАТ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди платформасида айни шу номда алоҳида бўлим мавжуд. Унда ҳозирги шароитда тезкор ахборотлар стратегик омилга айлангани эътироф этилиб, мамлакат ривожи ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашда замонавий коммуникация ва рақамли технологияларнинг барча жабҳалардаги муҳим ўрнига эътибор қаратилган. Жумладан, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини жорий этиш, “катта маълумотлар” (“Big data”), “блокчейн”, “ақлли шаҳар”, “хавфсиз шаҳар”, “интернет буюмлар” тизимларига босқичма-босқич ўтиш устувор вазифа сифатида қўйилган. Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасида ўзаро самарали мулоқотни шакллантириш, ортиқча сансалорлик ва буйруқбозликнинг олдини олишга қаратилган “Электрон ҳукумат” концепциясини изчил амалга оширишнинг аҳамияти кўрсатилган.

Тараққиёт стратегиясининг 25-мақсадида эса рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш масаласи ўз аксини топган. O‘zLiDePда тузилган 21 та ишчи гуруҳининг биттаси айни шу масалага масъул этиб белгиланган. Гуруҳ аъзолари қўйилган вазифанинг мониторингини тўлақонли юритиш учун ҳар ойда атрофлича ўрганишлар ўтказишяпти.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Шуҳрат Шарафутдинов, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати Ижтимоий тармоқлар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш сектори мудири Шараф Азбергенов** томонидан йўналишлар кесимида олиб борилаётган таҳлиллар ўз самарасини бера бошлади. Инчунун, рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни, магистраль автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш бир ёки икки кунда бўладиган иш эмас. Узоқ давом этадиган жараён эса жиддий ва изчил назорат ўрнатилганда, сифат кўрсаткичлари мунтазам қиёслаб турилгандагина самара беради.

Ишчи гуруҳга мотивация бағишлаётган жиҳатлар ҳам Тараққиёт стратегиясининг ўзида мужассам. Яъни, мазкур вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши туфайли иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда банк-молия соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш кўзда тутилган.

### ДХШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ КЕРАК

Юқорида тилга олинган стратегияда ҳам, платформада ҳам давлат органлари фаолиятининг ахборот ресурслари ва технологияларини янада тараққий эттириш, соҳада давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) механизмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, иш юритишнинг тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддалаштириш натижадорликка энг яқин йўлдан элтиши тайин.

Саноат тармоқлари ва аҳоли пунктларида ҳосил бўладиган чиқиндилар билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, чиқиндиларни қайта ишлашда юқори технологияларни қўллаш, шунингдек, қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳам рақамлаштириш жараёнига бориб тақаляпти. Демак, соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ҳамда ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш масаласини дастлабки босқичидан тортиб, очиқ электрон платформага кўчириш вақти келди. Шаффофлик қанчалик кучайса, самарадорлик кўрсаткичлари шунчалик яхшиланади. Табиийки, эътирозлар акс этган мурожаатлар ҳам ўз-ўзидан камаяди.

– Ҳудудларда сайловчилар билан бўлаётган мулоқотларда аҳоли чиқинди полигонларининг ҳолати, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш соҳасида ҳали ҳам ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжудлигидан шикоят қилишмоқда, – дейди **парламент қуйи палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Шуҳрат Шарафутдинов.** – Бешариқ туманидаги Тўйчи Эрйигитов қишлоғининг Чашма кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролардан келган шундай муаммолар баён этилган мурожаат жойига чиқиб ўрганилганда одамлар ҳақли равишда эътироз билдираётганига гувоҳ бўлдик.

Мурожаатда айтилган чиқиндихона аҳоли яшаш жойидан 900 метр узоқликда жойлашган бўлиб, 3,7 гектар майдонни эгаллаган экан. Афсуски, чиқиндихона белгиланган тартибда жиҳозланмаган. Махсус техника йўқлиги учун кўмиш ишлари мунтазам олиб борилмаяпти. Натижада бадбўй ҳид тарқалиб, зарарли ҳашаротлар ва ёввойи ҳайвонлар кўпайган. Чиқиндиларнинг полигон ҳудудидан ташқарида ҳам сочилиб, аҳоли яшаш жойларига қадар тарқаб кетаётганлигини айтиб ўтирмайлик.

Ушбу масала бўйича шу ҳудудда истиқомат қилувчилар томонидан бир неча бор мутасадди ташкилотларга мурожаатлар йўлланган. Лекин мавжуд муаммо ҳал этилмаган.

Учрашувлар давомида мазкур масалага масъул ташкилот ҳамда ДХШ асосида чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматини кўрсатаётган “Ferghana Special Trans” МЧЖ раҳбарияти билан ўтказилган мулоқотлар чиқиндихона атрофидаги муаммоларни ечиш имконини бермади. Фақатгина Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Шарафутдинов томонидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси номига расмий сўров киритилгандан кейингина бироз силжиш кўзга ташланди. Қўмита томонидан масъулларни жалб этган ҳолда полигонда чиқиндиларни суриш, текислаш ва кўмиш ишлари ташкил этилиб, доимий назорат қилиш юзасидан Фарғона вилояти Экология бошқармасига тегишли топшириқлар берилди. Ҳозирда полигонда махсус техникаларни мунтазам ишлатиш, кунлик чиқиндилар зичланиб, тупроқ билан кўмиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, полигон ҳудудида жорий йил май ойида чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш технологияси ўрнатиш мақсадида электр энергия тармоқларини тортиш ишлари олиб борилаётганлиги маълум қилинган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ишни тизимли йўлга қўйиш орқали бадбўй ҳидни йўқотиш, турли чиқиндиларнинг табиатга зарар етказишининг олдини олиш мақсадида келтирилаётган ана шу ускуналар ҳам рақамли технологиялар асосида ишлайди. АКТларнинг янада ривожлантирилиши эса чиқинди йиғиш техникаларининг қаерда ҳаракатланаётганидан тортиб, уларнинг қачон дарвозадан кириб келиши ва янги вазифага чиқиб кетишини мониторда кўрсатиб туриши мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси ривожланмаса, бошқа бирор бир тармоқ олдинга юрмайди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**“XXI asr” шарҳловчиси**

ФОРУМ

# O‘zLiDeP ва ХКП

## ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*



Халқаро майдонда бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мамлакатлар ўртасидаги стратегик шерикликнинг муҳим кўрсаткичидир. ХХР Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тартибга солиш ва тиклаш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ташаббусларини маъқуллайди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” лойиҳасини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Мамлакатимиз Осиё инфратузилмали инвестициялар банкининг таъсисчи ва аъзоларидан бири бўлди. Икки давлат БМТ, ШҲТ ва бошқа кўп томонли тузилмаларда фаол ўзаро ҳаракат ва ўзаро қўллаб-қувватлашни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида Хитой ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда ўз миллий манфаатларидан келиб чиқади. Инфратузилма ва инвестиция лойиҳаларининг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий самарадорлигига алоҳида аҳамият берилади. Транспорт-логистика салоҳиятини ошириш, агросаноат, энергетика, туризм соҳалари, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, янги технологиялар ва инновацияларни жорий этиш лойиҳаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Марказий Осиё минтақасининг транзит салоҳиятини ошириш ва “Хитой – Марказий Осиё – Ғарбий Осиё” иқтисодий йўлагини шакллантириш ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан саналади. “Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой” темир йўлини қуриш лойиҳаси стратегик аҳамиятга эга. Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси орқали ўтадиган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси йўналишлари бўйича темир йўл ташиш харажатларига шаффоф тариф ўрнатишни иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Хитой аллақачон Ўзбекистоннинг ташқи савдо соҳасидаги етакчи шериги сифатида тан олинган. Мамлакат ташқи савдо айланмасининг 18 % га яқини, 16 % экспорт ва 20 % импорт улуши ХХРга тўғри келишини қайд этиш кифоя. Агар муайян йўналишлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, 2022 йилнинг биринчи ойи давомида ХХРга 6,4 миллион долларлик 7,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, 45 миллион долларлик тўқимачилик саноати товарлари экспорт қилинди. Хитой Ўзбекистоннинг машина ва транспорт ускуналари импортида 38 % улушни эгаллади. 2022 йилнинг январь ойи мобайнида мамлакатга 274,7 миллион долларлик шундай маҳсулот жўнатилган. Бундан ташқари, ХХР республикамизга 91,9 миллион долларлик саноат маҳсулотлари экспорт қилди (умумий кўрсаткичнинг 22,6 фоизи).

2021 йили Тошкент ва Пекин товар айирбошлашни 7,4 миллиард долларгача орттиришга муваффақ бўлди, бу олдинги йилги кўрсаткичдан 1 миллиард долларга ортиқ. Мамлакатимиз 2021 йили Хитойга 2,5 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилди (2020 йил кўрсаткичи – 1,9 миллиард доллар). Яқин йилларда ташқи савдо айланмасини 10 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Ўзбек-хитой ҳамкорлиги маданий-гуманитар соҳада, жумладан, таълим, илм-фан, техника ва туризм, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларида ҳам фаол ривожланмоқда. Шунингдек, партиялараро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

2017 йил ноябрда O‘zLiDeP вакилларидан иборат делегация Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партиясининг хориж мамлакатлар сиёсий партиялари билан расмий учрашувларида иштирок этганди. O‘zLiDePдан сайланган депутатлар 2018 йил май ойида ХХРнинг Шэньчжэн шаҳрида ШҲТ сиёсий партияларининг биринчи форумида қатнашди. Форумда партия маърузачисига ҳам расмий сўз берилди. Хитой коммунистик партияси (ХПК)нинг 100 йиллиги муносабати билан 2021 йил июнда O‘zLiDeP вакили онлайн видеоанжуманда сўзга чиқди.

ХХР ва минтақамиз мамлакатлари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан жорий йил 14 апрелда онлайн шаклда ташкил этилган ХКП ва Марказий Осиё давлатлари сиёсий партиялари учинчи форумида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ҳам фаол иштирок этди.

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов ўз маърузасида кейинги йилларда партиялараро алоқаларнинг муносиб даражада ривожланаётганини таъкидлаш баробарида икки давлат етакчилари – Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпинь ўртасидаги ўзаро ишончга қурилган муносабатлар мамлакатлараро кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун ишончли пойдевор яратганига алоҳида урғу берди. Бу бевосита “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси ташаббусларини барқарор ривожлантириш, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси билан уйғунлаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кучайтириш, экстремизм, сепаратизм ва терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштириш ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Дарҳақиқат, мазкур форумда қайд этилганидек, O‘zLiDeP ва ХКП ўртасидаги партиялараро ҳамкорлик икки мамлакат орасидаги ҳар томонлама алоқаларни жадаллаштириш, хусусан, нохомашёвий ва технологик секторларни истиқболли йўналишлар сифатида янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш соҳаларига икки томонлама манфаатли инвестицияларни жалб этишга хизмат қилади.

**Азамат СЕИТОВ,**
**O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси халқаро ҳамкорлик ва протокол сектори мудири**

САРҲИСОБ

# НАТИЖА ЁМОНМАС, САМАРАНИ КЎРАМИЗ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қуйи бўғинларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунланди.**




Газетамизнинг аввалги сонларида бир неча бор хабар қилинганидек, 2022 йилнинг 15 февралидан 15 апрелига қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида O‘zLiDePнинг таянч тузилмаларида анъанавий ҳисобот-сайлов тадбирлари танқидий таҳлил тарзида ўтказилди. Унда бошланғич партия ташкилоти (БПТ) раисларини сайлаш, бир йиллик фаолиятини сарҳисоб қилиш, фаоллиги сезиларли даражада бўлмаган қуйи бўғинларни кучайтириш, йўл қўйилган хато ва камчиликлар сабабларини ўрганиш, партия сайловолди платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда янги иш режалар белгилаб олиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

“Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга оширишга оид давлат Дастури ижросини таъминлаш бўйича партиянинг “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар кесимида O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари вакиллари ва мутахассис-экспертлардан иборат таркибда республика бўйлаб тузилган ишчи гуруҳларнинг мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари кун тартибига киритилгани бежиз эмас.

Жорий йил 15 апрель ҳолатига 13 506 та БПТда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, уларда 603 657 нафар партия фаоллари иштирок этди. 1 336 та БПТ фаолияти танқидий баҳоланди ва янги раислар сайланди. 12 170 та қуйи бўғинда ўз фаолияти билан йил давомида ўрнак-намуна кўрсатган раислар қайта сайланди.

Очиқ мулоқот тусини олган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг 636 тасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзолари бевосита қатнашишди. Шунингдек, 6 732 та тадбирда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлари иштирок этгани ҳам диққатга сазовор.

Кези келганда, ҳисобот-сайловлар статистикасига ҳудудлар кесимида ёндашиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмаслиги табиий. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги 1 010 та БПТда 73 та қуйи бўғинда янги раис сайланди. Андижон вилоятида 761 та йиғилишга 35 907 нафар партия фаоли жалб этилди. 38 та қуйи бўғинга янги раис сайланди. Бухоро вилоятидаги 823 та БПТнинг 26 тасида янги раис сайланди. Жиззах вилоятида 862 қуйи бўғиннинг 43 тасида бошчи ўзгарди. Қашқадарё вилоятида кам эмас, 1 084 та БПТ бўлса, шунинг 132 тасида раҳбар алмашди. Навоий вилоятидаги 752 та БПТнинг 36 тасида бошқа раис сайланди. Наманган вилоятида эса 1 001 та бошланғич партия ташкилоти раислари фаолияти кескин танқидий баҳолангани учун юқори кўрсаткич, яъни 320 тасида ўзгариш содир бўлди. Самарқанд вилояти БПТлар сони бўйича пойтахтдан кейинги ўринда – 1 325 та! Очиқ мулоқотлар якунида 174 та қуйи бўғинга янги раис сайланди. Худди шундай тадбирлар Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилгани ва уларда асосий эътибор сон эмас, сифатга қаратилгани хусусида олдинги чиқишимизда хабар берган эдик.

Мухтасар айтганда, ҳисобот-сайлов йиғилишларининг пойтахтимиздаги натижалари ҳам чакки эмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зотан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 1 406 та БПТнинг аксарияти яхши баҳоланди. Фақат 18 тасининг иши танқид қилиниб, уларни жонлантириш учун ёш ва шижоатли янги раислар сайланди.

**Умиджон АБДУРАҲМОНОВ,**
**O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири**

МУШОҲАДА

**Демократлашув жараёнлари мустаҳкамланиб боришида энг муҳим сиёсий институт ҳисобланган парламент бугун инсоният ҳаётида ижтимоий, сиёсий муносабатларни тартибга солувчи, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, энг асосийси, халқнинг қарашларини давлат бошқарувида акс этишининг ўзига хос манбаси сифатида гавдаланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кучли парламентга эга бўлган мамлакатларда халқнинг ишончи давлатга нисбатан ҳам юксак бўлади. Ўзбекистон ҳам ўзига хос миллий парламентига эга бўлган мамлакатлар сифатида нафақат Марказий Осиё минтақасида балки, бутун дунёда хорижий ташкилотлар эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.**

# ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИСИ ЯНГИ ИНСТИТУТ СИФАТИДА ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИМИ?



Депутат ёрдамчиси институти Ўзбекистонда парламентаризм ривожининг янги бир маҳсулидир. Сўнгги йилларда парламент фаолиятини янада ривожлантириш йўлида бир қатор амалий қадамлар ташланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2021 йилдан бошлаб парламент фаолияти тизимида яна бир янги институт – депутат ёрдамчисининг шакллантирилишини парламентнинг электорат билан ўзаро ҳамкорлигини, электорат ва партия ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш омили сифатида талқин этиш мумкин. Унга кўра, депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқасини сақлаб туриш ҳамда ўз сайлов округидаги фаолиятини самарали ташкил этиш учун ёрдамчига эга бўлишга ҳақлидир. Шу муносабат билан 1996 йилдаги “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонундан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг вакили тўғрисидаги 142-модда чиқариб ташланди. Эндиликда тўлиқ равишда, тизимли равишда депутат вакилининг фаолияти расмийлаштирилиб, парламент фаолиятининг янги бир қирраси ишга тушди. Бу эса парламентнинг фуқаролар (электорат) билан муносабатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиб, жамиятда парламентнинг шаффоф фаолиятини амалга оширишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, дейиш мумкин.

Масалан, депутат ёрдамчиси хорижий тажрибада кўп ҳолларда "Asisent of Deputy" (AD.) номи асосида ишлатилади. Шимолий Европа давлатлари, Австрия, Чехия, Словакия, Швейцария, Бразилия каби мамлакатларда исм-шарифи партия рўйхатида сайланган депутатлар номидан кейин келган номзодлар депутат ёрдамчилари бўла олишади. Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва таҳлиллар шуни кўрсатяптики, бу мақом жаҳон парламентаризмида кенг тарқалаётган сиёсий институт сифатида эътироф этилмоқда.

Жамиятда мазкур институтнинг аҳамияти ва зарурияти хусусида турли баҳс ва мунозаралар бўлишига қарамасдан, унинг кераклиги аҳолининг маълум географик ҳудудда жойлашуви, анъана ва қадриятларнинг турли туманлиги ҳамда аҳолининг сони нуқтаи назаридан маълум бир ҳудуддан сайланган депутат фаолияти самарадорлигининг кафолати учун зарур ва шарт деб ҳисобланмоқда.

Хўш, Ўзбекистонда бугунги кунда депутат ёрдамчиси қандай вазифаларни бажармоқда? Энг асосий занжир бўлган “парламент-депутат-депутат ёрдамчиси-электорат” муносабатлари етарли даражада шаклланганми? Унинг миллий қонунчиликда мақоми, вазифалари қандай белгилаган? Билганларимиз, бу институт вакили парламентга сайланган депутатнинг аввало, партия, тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ҳамда сайловчилар билан самарали алоқа ўрнатишига кўмаклашяпти. Сайлов округида жисмоний ва юридик шахслардан депутат номига келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатни хабардор қилади. Шунингдек, у ёки бу шахсларнинг вакилларини халқ вакили томонидан қабул қилиниши ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этишга кўмаклашади ва ҳоказо.

Эътиборли жиҳати, мамлакатда ёрдамчилар фаолиятини янада такомиллаштириш учун уларнинг малакаси ва салоҳиятини ошириш борасида семинар, ўқувлар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтида ташкил этилган БМТ ўқув маркази ўзига ўзига хос “ғоялар лабораторияси”си вазифасини бажариб келаётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, жорий йилнинг 8-9 апрель кунлари Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлари ёрдамчилари учун махсус ўқув семинар ташкил этилиб, унда турли ҳудудлардан элликдан ортиқ вакил қатнашди. Асосийси, жойларда электорат билан ишлаш, сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлар борасида илғор хорижий ва миллий тажриба бўйича малакалари оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар учун имкониятлар янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда депутат ёрдамчиси институти аҳоли ва унинг турмуш тарзига яқин бўлиш, айниқса, ижтимоий муаммоларни ўз вақтида англаш ва қонуний ечимларини топиш билан бир қаторда мамлакатда давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда ўзига хос занжир вазифасини ўтайди, деб ишониш мумкин.

**Ғолиб МАҲАМАДЖОНОВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти БМТ ўқув маркази раҳбари**

www.21asr.uz
asrofficial
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
21-aprel 2022-yil 16 (962)

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ҲУДУДЛАРДА

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ 2022 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ-РЕЖАСИГА МУВОФИҚ ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА НАМАНГАН ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИ МИСОЛИДА “ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИНИ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАРТИБИДА ЎРГАНИШ БЕЛГИЛАНГАН.**

## НАМАНГАН

Шундан келиб чиққан ҳолда **парламент қуйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари Барнохон Мирзамова** ва **Бегали Қодиров** Наманган вилоятида бўлди. Депутатлар тилга олинган қонунга бевосита боғлиқ бўлгани учун дастлаб Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўйича амалга оширилган ишларни ўрганишди. Хусусан, Наманган туманида бўлиб, пахта ва ғалладан бўшаган ер майдонларини давлатимиз раҳбари қарори асосида 0,10 гектардан 1 гектаргача ўлчамда бериш учун 58 та фермер хўжалигини ўзида қамраб олган жами 522 гектар ер майдони 53 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 5 220 нафар фуқарога очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида берилмоқда.



Ҳозирги кунга қадар 4 116 нафар фуқарога 412 гектар майдон тарқатилган бўлиб, улардан 3 810 нафари 381 гектар майдонга экинларини экиб бўлишди. Бунинг ортида қишлоқ аҳолисини, айниқса, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатида турган эҳтиёжманд оилаларни даромадли меҳнат билан таъминлаш бўйича катта имконият яратилмоқда.

Қўмита аъзолари аҳолининг деҳқончилик қилишлари учун ажратилган майдонларни эгасига етказилиш жараёнларини ўрганиш борасида бирма-бир аҳоли билан суҳбатлар қилиб, уларнинг фикрлари ва таклифларини тинглашди.

## СИРДАРЁ

# ҲАР БИР ИШЧИ – ЖАМИЯТГА КЎМАКЧИ



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши томонидан Сайхунобод туманидаги “POLY TEX” МЧЖда ўтказилган “Партиямиз аёллари – Янги Ўзбекистон бунёдкори!” деб номланган тадбирда иштирок этди.**

Сирдарё вилоятининг иқтисодий салоҳиятига муносиб ҳисса қўшаётган йирик корхоналардан бири бўлган “POLY TEX” МЧЖда 1 500 нафар иш ўрни яратилди. Бу ерда техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинади. Саломатликни муҳофаза этиш учун ҳавонинг ифлосланишига қарши ускуналар мунтазам ишлаб турибди. Ҳар куни иссиқ овқат, ходимларни уйларига элтиб қўйиш учун автобус билан таъминлаш корхона зиммасида. Энг муҳими, маошлар вақтида берилгани учун манфаатдорлик кучайган.

O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ибрагимова мазкур корхонада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик ва манзилли молиявий кўмак – камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили” йўналишида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ: МАҲАЛЛАБАЙ ВА ХОНАДОНБАЙ ЁНДАШУВ

**O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Тошкент вилоят кенгаши қошидаги “Аёллар қаноти” томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди.**



Қибрай тумани “Бунёдкор” МФЙ гузарида уюштирилган мулоқотда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O‘zLiDeP фракцияси аъзолари Мавлуда Хўжаева, Дилбар Усмонова, Мавлуда Ибрагимова** қатнашиб, стратегияда назарда тутилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталишди.

Очиқ мулоқотда опа-сингилларимизни ўйлантираётган саволлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга ечим изланди. Маҳаллаги боғчада ўринлар етишмаслиги, эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий кўмак бериш борасидаги масалалар ҳал этилишини назоратга олишга ваъда беришди.

Давра суҳбатидан сўнг O‘zLiDePнинг “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!” лойиҳаси доирасида мазкур маҳалладаги энг намунали томорқачи Муҳаббатхон Агзамова хонадонига борилди. Ая эса томорқадан унумли фойдаланиш, ундан яхшигина даромад олиш сир-асрорлари билан ўртоқлашди.

Тадбир давомида йўл-йўлакай “Ёшлар дафтари”га киритилган Нигора Зайниддинова ҳолидан ҳам хабар олинди.

МОҲИЯТ



# ҲАЁТ ТАРОЗИСИ

## ёхуд гендер тенглик моҳиятини қачон англаймиз?

**ҚАРШИ ИРРИГАЦИЯ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИДА O‘zLiDeP ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ “АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ВА ҚАРШИ ШАҲАР КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА “ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВОСИТАСИДИР” МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой тарзда кечган мулоқотда “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури”да белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттиришга доир ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси билан ҳамкорликда бир қатор тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориляпти. БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Унда барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиши учун тенг имкониятларни таъминлаш кўзда тутилган. Президентимизнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглик ва аёлларни зўравонлик ҳамда зулмдан ҳимоя қилиш, уларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ фаолиятини янада ривожлантириш бўйича имзолаган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш бугунги давр талабидир. Айниқса хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини кучайтириш, аҳолини гендер тенглик тўғрисида хабардорлигини ошириш, бу каби қонун-қоидаларга қатъий риоя этиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш ишлари давом этяпти. Опа-сингилларимизнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорлиларини аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.



Тадбирда таъкидланганидек, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди. Гендер тенглик деган тушунчанинг моҳиятини ҳамон тушунмаётган, тушунса ҳам тан олишни истамаётган фуқаролар орамизда, минг афсуски, ҳали ҳам кам эмас. Аввало оилада , қолаверса, жамиятда ҳам аёлнинг, онанинг ўрни ва қадрини ошириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Яна бир эътиборли жиҳати, сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланиши назарда тутилган. Хусусан, Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига мувофиқ аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги қатъий белгиланган. Демак, давлат томонидан хотин-қизлар ва эркакларга барча соҳаларда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилганлиги, ана шу қатъий мезон, яъни гендер тенгликни таъминлашда ҳаётий тарози вазифасини бажаради.

**Исмигул ХУШМУРОДОВА,
O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати**

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

# МУАММОНГ НЕ, ТАДБИРКОР?



**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ВА O‘ZLIDEP ЧИЛОНЗОР ТУМАН КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ШУ КАБИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ТОПИШ ЭДИ.**

Шу боис, Чилонзор тумани Жамоатчилик марказида “Депутат ва тадбиркорлар” мулоқот форуми доирасида ўтказилган ушбу тадбирда O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раҳбар ва ходимлари, парламент қуйи палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари, Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьялари, савдо-саноат палатаси, солиқ, банк, божхона, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари жам бўлишди.

– Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад тадбиркорликни жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш, соҳадаги янгиликларни эгаларига етказиш, айниқса, ишбилармонларимизга ҳамкор ташкилотлар томонидан амалий ёрдам берилишини таъминлашдир, – деди **O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Равшан Фозилов** давра суҳбати аввалида. – Қолаверса, бугун турли соҳа вакилларини жамлаганимиз ҳам бежиз эмас. Гап шундаки, тадбиркорлик фаолияти давомида соҳа эгалари бир қатор муаммоларга дуч келиши ва келаётгани табиий. Уларни қийнаётган баъзи масалаларга шу ернинг ўзида ечим топамиз, бизнесини энди бошламоқчи бўлганларга биргаликда йўл-йўриқ кўрсатамиз.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Мулоқот форуми ҳақида хабар топганлар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишлилиги бўйича гоҳ судьялар, гоҳ солиқчилар ё божхоначилардан аниқ-тиниқ жавоблар олишди.

Айниқса, энг кўп берилган саволлар – импорт-экспортдаги муаммолар, харид учун чек бермаганлик ва бунинг учун бизнес субъектларига нисбатан қўлланилаётган жарималар миқдорини қайта кўриб чиқиш, уларни қўллашда тадбиркорлик субъектининг кунлик савдо айланмаси, даромадлари ҳисобга олиниши жоизлиги, дорихоналар фаолияти ва ҳоказо долзарб масалалар юзасидан фикр ва таклифлар билдирилди. Ушбу маслаҳатлар келгусида иқтисодиётимиз таянчи ва суянчи бўлган ишбилармонларга асқотиши шубҳасиз.



**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири**

АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ – ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА

# ЗАРАРНИ ИСБОТЛАШ КЕРАК

**ТАДБИРКОРЛИК ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН БУГУНГИ ДАВРДА ТАРАФЛАР ЎРТАСИДА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ БЎЛИШИ ТАБИИЙ. ЎЗ НАВБАТИДА, БУ БОРАДАГИ ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР АЛМАШИНУВИ ЖАРАЁНИДА БАЪЗАН НОРОЗИЛИКЛАР ҲАМ БЎЛИБ ТУРИШИ СИР ЭМАС.**

Фикримизни суд амалиётидаги мисол билан далилласак.

“Ruda-metall qayta ishlash zavodi” АЖ (даъвогар) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси Оҳангарон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Мурожаатда “Yangi zamon biznes” МЧЖ (жавобгар) ҳисобидан



202 400 000 сўм асосий қарз ва 40 480 000 сўм неустойка ундиришни сўрайди. Ушбу суднинг ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилади ва “Yangi zamon biznes” МЧЖ ҳисобидан “Ruda-metall qayta ishlash zavodi” АЖ фойдасига 202 400 000 сўм ундирилади!

Бундан норози бўлган “Yangi zamon biznes” МЧЖ судга апелляция шикояти билан мурожаат этиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабини рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўраган. Иқтисодий процессуал кодексининг 276-моддаси талабига кўра, суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади.

## ҚОНУНИЙ ВА АСОСЛИМИ?

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2020 йил 1 июлда Электрон кооперация порталидаги электрон савдолар орқали маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Жавобгар даъвогарга 400 метр конвейер лентаси етказиб беришни, даъвогар эса ушбу маҳсулотни қабул қилиб, 202 400 000 сўм тўлашни ўз зиммасига олган. Тўлов амалга ошгач, етказилган маҳсулот қабул қилиб олинган, бу жараёнда маҳсулот сифатсизлиги бўйича эътироз бўлмаган.

Фуқаролик кодексининг 437-моддасига кўра, *маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи – сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.*

Даъвогар мажбуриятларини бажариб, тўловларни амалга оширгани, бироқ жавобгар сифатсиз маҳсулот етказиб бергани, натижада қарздорлик вужудга келганини таъкидлаб, жавобгар ҳисобидан 202 400 000 сўм зарар ва 40 480 000 сўм неустойка ундиришни сўраган. Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар жавобгарга эътирознома юбориб, етказилган 400 метр маҳсулотни ўрнатиш жараёнида лента қаватлари ажралиб кетаётгани, у сифат жиҳатидан талабга жавоб бермаслиги боис уни сифатлисига алмаштиришни талаб қилган. Жавобгар ҳам агар кўрсатилган маҳсулот ҳақиқатдан ҳам сифатсизлиги аниқланса талаб бажарилишини маълум қилган.

## ДАРҲОЛ ХАБАРДОР ҚИЛИНГАНДА ЭДИ...

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабрдаги “Сифати тегишли даражада бўлмаган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, сотиб олувчи шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Сотиб олувчи ўзи қабул қилган товарни қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим. Сотиб олувчи худди шу муддатда қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган тартибда текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Даъвогар томонидан 2020 йил 21 августда далолатнома тузилган бўлиб, унга кўра 2020 йил 30 июль куни тегишли талабномага асосан транспортер лентаси (узунлиги 200 п/м, эни 800 мм) келтирилган, шундан 150 метри жорий йилнинг 3-5 август кунлари хомашё цехидаги конвейерга ўрнатилиш жараёнида қаватлари ўзаро яхши бирикмагани ва оралиқ иплари ингичка ва сифатсиз тўқилгани аниқлангани кўрсатилган. Шунингдек, ўша йилнинг 20 август куни техник қаров ўтказилганда лента ўзаро қаватларининг бир-биридан ажралгани баён қилинган.

**Биринчидан,** далолатномага асосан даъвогар текширган маҳсулотнинг алоҳида, фақат ўзигагина хос, уни бир хил ашёлар орасидан ажратиб турадиган (номер, рақам бериш ва шу кабилар) хусусий аломатлари кўрсатилмаган, умумий аломатлар тарафлар ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган маълумотларга хос эмас, яъни унинг айнан жавобгар етказган маҳсулот эканини кўрсатувчи белгилари йўқ.

**Иккинчидан,** шартноманинг тегишли бандига мувофиқ, етказилган маҳсулот давлат стандарти техник шартларига мос бўлиши керак. Давлатлараро стандарт “Каучук конвейер ленталари”нинг техник шартларига асосан айни ленталарга бўлган техник талаблар маҳсулотни қабул қилиш қоидалари, синов усуллари, ташиш ва сақлаш қоидалари ҳамда ишлаб чиқарувчининг кафолатларини ўз ичига олади. Далолатнома эса даъвогар томонидан бир томонлама тузилган, маҳсулотга нисбатан кўрсатилган камчиликлар, қайд этилган синов усуллари қўлланилмаган ҳолда, фақатгина кўздан кечириш усули билан аниқланган.

**Учинчидан,** давлат стандарти техник шартларининг тегишли бандига кўра маҳсулотни ишлатиш, сақлаш ҳамда ташиш бўйича қўйилган талабларга риоя этилган ҳоллардагина, ишлаб чиқарувчи маҳсулотнинг сифати учун жавоб бериши кўрсатилган. Мазкур ҳолатда даъвогар томонидан лентани ишлатиш, сақлаш ҳамда ташиш бўйича қўйилган талабларга қай даражада риоя этилгани тўғрисидаги маълумотлар судга тақдим этилмади.



**Тўртинчидан,** 400 метр маҳсулот етказилган бўлса-да, далолатномада фақатгина 200 метри ишлатилгани ва сифатсизлиги баён қилинган. Қолган маҳсулот сифатли ёки сифатсизлиги, ишлатилган ёки ишлатилмагани тўғрисида биророта ҳужжат тақдим этилмади.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати ушбу далолатномани маҳсулотнинг сифатсизлигини тасдиқловчи далил сифатида баҳолай олмайди. Қонунларимизга кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Сотиб олувчи шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Товарни қонунчиликда, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим. Худди шу муддатда қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини қонунчиликда, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган тартибда текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши даркор.

**Бешинчидан,** тарафлар ўртасида тузилган шартномага кўра буюртмачи қабул қилиб олаётган маҳсулотнинг шартномада кўзда тутилган талабларга мувофиқлигини, бус-бутунлигини ва сифатини маҳсулотни қабул қилиб олиш жараёнида, бевосита ишлаб чиқарувчининг иштирокида кўздан кечириши керак. Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши жоиз.

## ҲОЛАТЛАР ИСБОТИНИ ТОПМАДИ

Бироқ даъвогар томонидан сифатсиз дея эътироф этилаётган маҳсулот айнан жавобгарга тегишли экани аниқланмагани, маҳсулотни қабул қилиб олинаётган вақтда шартномада кўзда тутилган талабларга мувофиқлиги, бус-бутунлиги ва сифати бевосита ишлаб чиқарувчининг иштирокида текширгани, маҳсулотга нисбатан қўллаш, сақлаш ҳамда ташиш бўйича қўйилган талабларга риоя этганини исботловчи ҳужжатлар тақдим қилинмагани, далолатномада фақатгина 200 метр конвейер лента ишлатилгани ва сифатсизлиги баён қилингани, қолган 200 метр лента сифатли ёки сифатсиз экани, даъвогар томонидан ишлатилгани ёки ишлатилмагани тўғрисида биронта ҳужжат судга тақдим этилмагани ҳамда мазкур ҳолатда даъвогарнинг жавобгардан зарар ва жарима ундириш талаблари исботлаб берилмагани боис ҳолатлар ўз исботини топмаган.

Ана шулардан келиб чиқиб апелляция судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган деб ҳисоблади. “Yangi zamon biznes” МЧЖнинг апелляция шикоятини тўлиқ қаноатлантириб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш, ва иш юзасидан даъво талабларини рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топди.

**Қосим АВЕЗОВ,**
**Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси**

МИННАТДОРЛИК

***БЕМОРЛИГИНГДА СЕНГА БИЛДИРИЛГАН ҲАР БИР ШИРИН СЎЗ ВА ЭЪТИБОР МАЛҲАМ БЎЛАР ЭКАН, ТАНАНГГА, РУҲИНГГА КУЧ-ҚУВВАТ АТО ЭТАР ЭКАН. ҚОН БОСИМИМ КЎТАРИЛИБ КЕТИБ, ИНСУЛЬТГА ЧАЛИНДИМ. УНИНГ АСОРАТИ ЎЛАРОҚ ТАНАМНИНГ ЧАП ҚИСМИ, ОЁҚ, ҚЎЛИМДА ҲАРАКАТ СУСАЙДИ, ЎРНИМДАН ТУРОЛМАСДИМ.***



# Яхшиямки, ШИФОКОРЛАР бор

*Дарҳол Китоб туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимига қабул қилишди. Аҳволим бироз ўнглангач, бирлашманинг нефрология бўлимига ўтказишди. Кайфиятим жуда тушкун эди. Ўзимни руҳан ёмон ҳис қилар ва бу ғалаёнлар ич-этимни кемирар эди. Нега ўз вақтида соғлиғимга эътибор бермадим, нега тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтиб турмадим, поликлиникамиз ходимлари тез-тез бу ҳақда эслатишса-да, тузукман-ку, дея ўзим учун вақт ажратишга эриндим, мана оқибати, деган оғриқли саволлар бошим ёстиққа текканида қийнар эди.*

*Шундай пайтда бу бўлимдаги шифокор ва ҳамшираларнинг ширинсуханлиги, беморлар қалбига йўл топишга интилишлари, сокин ва озода муҳит дардларимга малҳам бўлди. Дардимиз ўхшаш касаллар билан мулоқот қилдим, уларнинг йилдан йилга аҳволи яхшилангани, бунинг учун ишонч ва умид, ҳаракат жоизлигини кўп такрорлашлари ҳам мени ҳаётга қайтара борди. Изтиробларим босила бошлади.*

*Айниқса ушбу бўлим бошлиғи, фидойи инсон Анвар Ҳасановнинг беморлар учун қайғуриши, дамба-дам хабар олиши, мулоқотлари, далдалари, маслаҳатлари менга ҳар жиҳатдан таскин ва шифо бўла бошлади. Вақтида ва тўғри қилинган муолажалар натижаси ўлароқ кундан кунга ўзимни яхши ҳис қила бошладим, оёқ-қўлларимда ҳам ҳаракатлар тиклана борди. Энг муҳими, тузалиб кетишимга ишончим анча ортди.*

*Анваржон, бу дардни енгишим учун аввало умид ва сабр-тоқат сув ва ҳаводек зарурлиги, вақтида муолажаларни олишим, хуллас, энди ўзимга кўпроқ эътиборли бўлишимни қайта-қайта тайинлаб оилам бағрига кузатиб қўйди. Ҳозир, Аллоҳга шукрки, қўли енгил шифокорнинг маслаҳатларига қатъий амал қилиб келаётганим боис анча тетикман, руҳим енгил. Дунёда шундай илмли, тажрибали шифокорларнинг борига шукр, уларнинг машаққатли меҳнати учун ҳар қанча таҳсин айтсак кам.*

**Санамхон БЕРДИЕВА,**
**63 ёш.**
**Китоб тумани**

РЕКЛАМА

# Янгиқўрғон янгиланяпти

**Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, кўчанинг ободлиги ана шу гўшада яшаётган одамларнинг руҳияти, кайфиятига ўзгача таъсир кўрсатиши табиий. Айтайлик, уйингизга узоқдан меҳмон чорласангиз сиз умргузаронлик қилаётган ҳудуд обод, кўркамроқ бўлса уялиб қолмайсиз, тўғрими? Ёки аксинча, йўллар хароб, лой-чанг, уйлар эса ҳамон қадим замондагидек кўринишда бўлса-чи? Ҳар қандай кишининг кўнгли андак хира тортади.**





Лекин биз бугун сўз юритмоққа чоғланаётган сўлим Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманига қарашли Мамай ва Олмазор маҳаллаларига қадам ранжида қилсангиз, муболаға эмасу, кўзингиз қувнайди. Айниқса, бу ердаги кўчаларга шағал тўшалиб, асфальтбетон қоплама ётқизилаётганидан аҳоли жуда мамнун. Масалан, Мамай маҳалласидаги Булоқ бўйи кўчаси яқин-яқинларда ҳам тупроқ, лой эди. Бугун эса таниб бўлмас даражада ўзгаряпти. Кўчанинг 595 метрига асфальт ётқизилиб, 1 900 метрдан кўпроқ жойига шағал тўшалиб таъмирланди.

– Авваллари ички хўжалик йўлларига эътибор кам қаратиларди. Ниҳоят ўтган йили ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” дастури асосида Олмазор маҳалласидаги Ёнғоқзор, Олмазор, Қўштепа, Бирлик каби олтита кўчаси таъмирланиб асфальтланди, – дейди **Янгиқўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғи Равшанхўжа Зиёвиддинов.** – Афсуски, баъзан бизнинг йўлсозларимиз меҳнатига беписанд муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраётгани кўнгилни хира қилади. Масалан, янги ичимлик суви тармоғи тортилиши оқибатида чиройли қилиб асфальтланган йўлнинг чўкиб кетиши кузатиляпти. Ёки қайтадан бузиб, ковлаб ташлангани етмагандек, чуқурларнинг очиқ ҳолатда ташлаб кетилаётганидан одамлар норози бўлишяпти. Шунча қилинган ишлар ҳавога совурилади. Биз эса яна ортиқча маблағ сарфлашга мажбур бўламиз. Бу каби ишлар аввалдан бамаслаҳат қилинса нур устига аъло нур бўлар эди.

Шунингдек, туман марказидаги Водий ва Чортоқ кўчалари ҳам ободонлаштирилиб, қабул қилинган махсус дастурга биноан саломатлик йўлаклари қурилган. Ушбу замонавий лойиҳани амалга оширишда муҳандис Шерали Асқаров бошчилигидаги Янгиқўрғон қурилиш монтаж масъулияти чекланган жамияти ишчилари жонбозлик кўрсатишаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ҳудуднинг ўзида 2 840 метрли пиёдалар ва велосипедчилар йўлаги қурилди. Бугун туман марказида тунги чироқлар ёниб турибди. Жумладан, иккита спорт майдончаси атрофига фавворалар ўрнатилиб, йўл четлари кўкаламзорлаштирилди. Хуллас, Янгиқўрғон бутунлай янгича қиёфага кираётир.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**“XXI asr” мухбири**

*Хизматлар лицензияланган.*

ТИЛБИЛИМДАН БИР ЧИМДИМ




# ТЕМИРМИ, ТЕМУРМИ Ё ТИМУР?

**ҚАЙ БИРИНИНГ ЁЗИЛИШИ ТЎҒРИРОҚ? АМИР ТЕМУР ДЕЙМИЗ ВА БАРЧА МАНБАЛАРДА ШУНДАЙ ЁЗИЛГАН. ШУ БИЛАН БИРГА, ТЕМИР ИСМИ ҲАМ КЎП УЧРАЙДИ. УМУМАН, ТЕМУР/ТЕМИР/ТИМУР – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ИЧИДА ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН ИСМЛАРДАН БИРИ. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА КИМЁВИЙ МОДДА, МАЪДАННИ – ТЕМИР ДЕЙМИЗ. ТОШТЕМИР, ЭШТЕМИР, БЕКТЕМИР КАБИ ИСМЛАРДА “ТЕМИР” ШАКЛИ ҚАТЪИЙ ЎРНАШГАН, ЯЪНИ ТОШТЕМУР ДЕМАЙМИЗ. КЕЛИНГ, МУЛОҲАЗА УЧУН БУ СЎЗНИНГ ЎТМИШИГА БИР НАЗАР ТАШЛАБ КЎРАЙЛИК.**

Хоҳ маъдан, хоҳ атоқли от маъносида бўлсин, темир – турклар тарихида муҳим ўрин тутади. Буни қарангки, икки буюк тарихий шахс: Чингизхон (Тимужин) ва Темур ҳам туғилишдан шу ном соҳибларидир. Темир – бу мустаҳкамлик, чидамлилик, куч-қудрат, ирода рамзи, шунингдек, қадимги турклар зеҳнияти, турмуш тарзи, мафкураларида марказий ўрин тутган бир унсурдир.

Маълумки, хунлардан то кўктуркларгача бўлган даврда Чин империяси (ҳозирги Хитой) билан бақамти яшаган қадимги туркларнинг аждодлари Хитой маданияти таъсирида бўлган. Шу боис темир, кумуш, олтин каби маъданларнинг номлари, мутахассисларга кўра, ўрта чин (хитой) тилидан қадимги турк тилига ўзлашган. Қадимги турклар тупроғи – Қочў (Гаочан), Турфан ерларида яшаган туркий қабилалар темир қазиб олиш, унга ишлов беришни яхши билганлар. Бизнингча, қадимги туркларнинг жанговар бир халқ бўлишида уларнинг темирчилик ҳунарлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Дейлик, қадимги турклар темирни ўзларига “бўйсундириб”, ундан қурол-яроғ ясашни билмаганларида, эҳтимол, Ашина қавми Турк хоқонлигига асос солмаган, турклар тарихда йирик давлатлар, империялар қура олмаган бўлардилар. Шу боис тарих китобларида Темур отлиқ тарихий шахслар кўп учрайди.

Тилшунос олим О. А. Мудракнинг ёзишича, “темир” сўзи этимологияси қадимги чинча “темир нарса” маъносидаги “diēt-mwɨt” калимасига бориб тақалиб, унинг туркчага ўтган эски хитойча шакли “diēmwur”дир. Ҳозирги хитой тилида эса “темир” – “tiě” (鐵) деб талаффуз этилар экан.

Энг қадимги туркий обидаларда ҳам “темир” кўп учрайдиган сўзлардан биридир. Қизиғи шундаки, VIII-X асрларга оид Урхун-Энасой, Турфан, Шарқий Туркистон ҳудудларида топилган ёдгорликларда бу сўз кўпроқ “темир” шаклида ёзилган. “Древнетюркский словарь” луғатида мазкур даврга оид қадимги туркий обидалардан: “темир”, “темир асақ”, “темирчи”, “темирлиг”, “темир қапиғ” каби ўнлаб сўзлар келтирилади (ДТС.Ленинград. “Наука”. 1969. 551-бет).

X асрдан кейинги адабий ёдгорликларда эса маъдан номи ҳам, атоқли от ҳам асосан “темур” шаклида қайд этилган. Хусусан, XI асрга оид “Қутадғу билиг” ва “Девону луғотит-турк”да бу сўз – тэмүр (“تَمُرْ”) шаклида учрайди. Маҳмуд Кошғарий “Девон”да, шунингдек, “тэмүрчї”, “тэмүрlүг”, “тэмүргäн” каби сўзларни келтиради ва барчасида “тэмҮр” шакли сақланган. Рабғузий ҳам бу сўзни “темур” шаклида ёзган. Эргаш Фозиловнинг “Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века” луғатида келтирилишича, XIV аср Хоразм адабий муҳитида ҳам бу сўз – “тәмүр” (“تيمور”) ҳамда “темүр” (“تَمور”) шаклларида қўлланган. Луғатда “Наҳжул-фародис” асаридан шундай мисол келтирилади: “нәтәк ким тәмурчиниң көрүки тәмүрнүң йаманларыны кетәрүр” (“Темирчининг кураги темирнинг ёмонларини кураб ташлайди”. Э. Фазылов. СУЯ.II. Т. 1971. 378-бет).

Оврўпалик миссионерлар томонидан XIII-XIV асрларда тузилган, асосан қипчоқ лаҳжасини ўзида акс эттирган “Кодекс куманикус” луғатида бу сўз “temir” шаклида учрайди. Умуман, қипчоқ ва сибир лаҳжаларида бу сўзнинг “темир”га яқин талаффуз этилишини кўриш мумкин (татар, бошқирд: тимер; қозоқ, қорақалпоқ, нўғай: темир; тува: демир; ҳакас: timər, ёқут: timir; чуваш timər; мўғул: төмөр). Қарлуқ лаҳжаси, хусусан, уйғурча: тумур (تۆمۈر), эски ўзбек адабий тилида: темур; эски усмонли туркчасида: demur, аммо ҳозирги Туркия туркчасида: demir; озарбойжонча: dəmir; туркманча: demir ва ҳоказо.

Шунингдек, Темур исмини кирилл ёзувида – “Тимур” (лотинда: “Timur”) шаклида ёзиш анъанаси ҳам бор. Маълумки, Темур нафақат туркийлар ичида, балки дунё бўйлаб кенг тарқалган бир исмдир. Шу боис “Тимур” шаклини бу исмнинг “байналмилаллашган” кўриниши, дейиш мумкин.

Шу ўринда Чингизхоннинг асл исми – Темужин ҳақида ҳам икки оғиз сўз: тарихдан маълумки, Ясугай Баҳодир татарлар бошчиси Темужин Уге устидан қозонилган ғалаба рамзи ўлароқ ўша пайтда туғилган ўғлига шу исмни берган. “Темужин” исми ҳам “темир” маъносини билдиради, дейилади, аммо нега “тему-жин”, яъни сўз охиридаги “-жин” (“-чин”) қандай маънога эга? Бизнингча, бу сўзнинг иккинчи қисми ҳам хитойча “металл” маъносидаги “jin” сўзидир.

Гувоҳи бўлдикки, X асрдан то кейинги асрларгача минтақамизда, Шарқий Туркистондан то Хоразмгача бўлган ерларда, биз эски ўзбек тили деб биладиган туркий адабий тилда маъдан маъносида ҳам, атоқли от маъносида ҳам “темур” шакли қўлланилган экан. Шимолий турк тиллари гуруҳи, хусусан, қипчоқ, сибир лаҳжаларида эса кўпроқ “темир” шакли сақланган. Ҳозирги ўзбек тилини қарлуқ, қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий лаҳжаларни ўзида бирлаштирган, таъбир жоиз бўлса, ўрта турк тили дейиш мумкин. Шу боис тилимизда бу сўзнинг иккала шакли ҳам мавжуд ва иккиси ҳам бизга бегона эмас.

**Абдувоҳид ҲАЙИТ**

ҚАЛБ ГАВҲАРИ

# ШОИРНИНГ ИМТИҲОНИ





**ЖУРНАЛИСТИКАДА ЭНГ ОҒИР ЮМУШ, БУ ЁЗИЛ(МА)ГАН МАҚОЛАГА САРЛАВҲА ҚЎЙИШ. АДАБИЁТДА ҲАМ ШУНДАЙ. У ҲИКОЯМИ, ҚИССА Ё РОМАНМИ, ҚЎЙИНГКИ, ШЕЪР Ё ДОСТОНМИ, БАРИБИР, НОМ ҚЎЙИШ ЭНГ ЖИДДИЙ, МУШКУЛ ВАЗИФА.**

Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу боисми, ижодкор-қаламкашлар орасида таҳрирни санъат даражасига олиб чиққан устозлар ва яна китоб ё асарга сарлавҳа, ном қўйишда устаси фаранг кишилар жудаям кўп эмас. Бу эса “Шом товуши” деган номни кўриб кўнгилдан кечган садолардир.

Шу маънода яқинда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан хайрли ишга қўл урилганини қутламоқ керак. Ўша куни бағоят гўзал ва нозик дид билан безатилган “Китоб олами” мажмуаси шеърият мухлисларига тўлди. Бундай манзарага ҳар доим ҳам гувоҳ бўлмаётганимиз учунми, ҳайратимиз тадбир сўнггигача сўнмади. Хуллас, иқтидорли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шуҳрат Орифнинг “Шом товуши” деб номланган китоби тақдимотига бағишланган кеча ана шундай мазмунли ва ажиб taассуротларга бой кечди. Аввало, даврани бошқарган нозиктаъб адабиётшунос Раҳимжон Жуманиёзовнинг чиройли лутфлари даврани қизитди. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид ва бошқалар “Шом товуши” шоирнинг дардли, сирли дунёсини очиб бера олиши билан бирга, унинг адабий жараёнда фаоллиги, айниқса, ортидан келаётган ёш ижодкорларга кўрсатаётган рағбати, эътибори, жамиятдаги фаоллиги хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтишди.

Китобни варақлаймиз: “Исмимизни одамлар, мақомимизни ошиқлар, қийматимизни орифлар билур”, “Келганлардек келиш осон, Кетганлардек кетиш қийин...”, “Кимларнидир топиб ранжийсиз, Кимларнидир йўқотиб қувонасиз”, “Ҳамма эшиклар калит билан очилади, Қалб фақат қалб билан очилади”...

Шуҳрат Орифнинг юрак туғёнлари, кўнгил ташбеҳлари, ҳаёт кузатувлари сизни ўзига оҳанрабо янглиғ тортиб олганини сезмай қоласиз. Демак, шоир ёнимизда, бир осмон остида Ҳаёт аталмиш китобга ўз дастхатларини битаётир.

Бу ўзига хос ижодий имтиҳоннинг энг ҳаяжонли нуқтаси... кимдир сезди, кимдир хўрсиниб қўйгандир балки: шоирнинг қиблагоҳи Орифжон ота ва волидаи муҳтарамаси Мунисхон аянинг киприкларига инган томчи ёшлар ҳар қандай тош юракни-да эритиб юбормоққа қодир эди шул лаҳзаларда. Ота-онанинг фарзанди камолини кўриши, дўсту ёрларини дуо қилишидан буюкроқ бахт борми бу дунёда? Умр йўлларингиз ҳамиша ёруғ бўлсин Шуҳрат Ориф!

**Мўмин ҚОБИЛ**

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга
**“Play Market”** ёки **“App Store”**дан
**“XXI asr”** иловасини юклаб олиб,
пул ўтказсангиз кифоя.

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!




**Газетанинг электрон обуна нархлари:**

**12 ойлик – 96 минг сўм;**
**6 ойлик – 48 минг сўм.**

“XXI asr” газетаси таҳририяти жамоаси “Оила ва табиат” газетаси бош муҳаррири Ҳусниддин Бердиевга рафиқаси **Умидахон Бердиева**нинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Сардор МУСТАФОЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 451 Адади: 4462
Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди – 19:10

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар
**Элёржон Неъматов, Маъруфжон Раҳмонов**
саҳифалади.

ISSN 2181-497X

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**123456**

Навбатчи муҳаррир:
**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**